ОФАРИН, КОСМОС ЛОЧИНЛАРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 24 апрель 1971 йил, шанба ◆ № 94 (14.964). ◆ Баҳоси 2 тийин.

«СОЮЗ-10» КОСМИК КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ЎРТОҚ В. А. ШАТАЛОВНИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН АЙТГАНЛАРИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бундан 10 йил аввал ватандошимиз Юрий Алексеевич Гагарин мана шу тарихий космодромдан биринчи космик сафарга жўнаган эди.

Шундан бери кўпгина совет космонавтлари Ер атрофидаги космик фазога бориб қайтишди.

Фан ва халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб космик фазони ўзлаштиришдан иборат муҳим ишни давом эттирмоқ учун бугун «Союз-10» кемаси парвоз қилмоқда. Бизнинг экипажимиз илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг кенг программасини бажариши керак.

Бизга юксак ишонч билдирганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор этамиз. Экипаж номидан ишонтириб шуни айтаманки, Ватан топшириғини муваффақиятли бажармоқ учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

Жонажон еримизда яна дийдор кўришгунча хайр!

МУНОСИБ ҲИССА

Кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, полковник В. А. Шаталов, борт-инженер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, техника фанлари кандидати А. С. Елисеев ва синовчи-инженер Н. Н. Рукавишниковларнинг «Союз-10» кемасида фазога парвози жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирмоқда. Совет кишилари КПСС XXIV съезди қарорлари ва Директива кўрсатмаларини амалга ошираётган бир пайтда азамат лочинларимизнинг парвози совет фани ва техникасини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Орол баликчилари уларнинг парвозини зўр мамнуният билан кузатиб турибдилар. Космонавтлар шарафига социалистик мусобақани янада авж олдириб юборган комбинатимиз ишчилари смена топшириқларини 135-145 процентдан бажаряптилар. Бизнинг сменамиз ҳар качонгидан ҳам кўп балик консервалари ишлаб чиқариб, иттифоқимизнинг барча шаҳарларига жўнатдилар.

Фазогирларнинг коинотни ўрганишдаги тадқиқот ишларида катта муваффақиятлар ва уларга сиҳат-саломатлик, бехатар она-ерга қайтишларига тилакдошмиз.

Б. ХУЖАҲМЕДОВА.
Мўйноқ балиқ-консерва комбинатининг ишчиси, СССР Олий Советининг депутати.

«СОЮЗ-10» КОСМИК КЕМАСИ ОРБИТАДА

Бугун, 1971 йил 23 апрель Москва вақти билан соат 2 дан 54 минут ўтганда Совет Иттифоқида учирувчи ракета «Союз-10» космик кемаси билан парвоз қилди. Соат 3 дан 03 минут ўтганда «Союз-10» кемаси Ер йўлдошининг ҳисоблаб қўйилган орбитасига чиқариб қўйилди.

Кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси, полковник Владимир Александрович Шаталов; борт инженер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси, техника фанлари кандидати Алексей Станиславович Елисеев ва синовчи инженер Николай Николаевич Рукавишниковдан иборат экипаж космик кемани учириб бормоқда.

«Союз-10» кемасини Ер атрофидаги космик фазога чиқаришдан кузатилган мақсад:

—шу йил 19 апрелда Ер атрофи орбитасига учириб чиқарилган «Салют» орбитал илмий станцияси билан биргаликда эксперименталр ўтказиш;

—кеманинг такомиллаштирилган борт системаларини комплекс равишда текшириб кўриш;

— қўлда ва автоматик равишда бошқарув системаларини, учишнинг турли режимларида кемани йўллаш ва стабилаштириш системаларини янада пишиқтириш;

— космосда учиш омилларининг одам организмига таъсирини ўрганишга доир медицина-биология тадқиқотлари ўтказишдан иборат.

ТАСС АХБОРОТИ

Экипаж билан радио ва телевидение орқали доимий алоқа қилиниб турибди. Кема командири ўртоқ Шаталов кемани орбитага чиқариш участкасидан нормал равишда ўтилганлигини айтди. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар, «Союз-10» кемасининг борт системалари нормал ишлаб турибди, кеманинг яшаш бўлмаларида ердаги шароитга яқин шароит сақланиб турибди.

Космонавтлар В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Н. Н. Рукавишников ўртоқлар учишнинг мўлжаллаб қўйилган программасини бажаришга киришдилар.

* * *

«Союз-10» космик кемаси 23 апрель Москва вақти билан соат 12 гача Ер атрофи орбитаси бўйлаб 6 марта айланиб чиқди. Шу вақтда унинг параметрлари қуйидагича бўлди:

— Ер юзасидан максимал узоқлашуви (апогейда)— 246 километр;

— Ер юзасидан минимал узоқлашуви (перигейида)— 208 километр;

— айланиш даври 89 минут;

— орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

Кема командири Владимир Александрович Шаталов навбатдаги радио алоқа сеансида экипаж вазнсизлик шароитларига яхши кўникиб, белгиланган учиш программасини бажаришга киришганлигини Ерга маълум қилди. Космонавтлар кемани мўлжал олдиришнинг белгиланган режимларини амалга оширдилар, кузатиш ва илмий эксперименталр ўтказдилар. Космонавтлар иккинчи марта айланишда нонушта қилдилар.

Телеметрик ахборот маълумотларига ва космонавтларнинг хабарларига кўра, В. А. Шаталовнинг томир уриши минутига 68 марта, А. С. Елисеевнинг томир уриши минутига 64 марта, Н. Н. Рукавишниковнинг томир уруши минутига 64 марта бўлаётир, нафас олиш тезлиги эса тегишлича 15, 19, 14 мартадир.

Кема бўлмаларидаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: температура Цельсия ҳисоби билан 21 градус, босим симоб устунининг 780 миллиметрига тўғри келади, ҳавонинг намлиги ва таркиби норма доирасидадир. Космик кема ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди.

«Союз-10» кемаси соат 10 дан 50 минут ўтгандан бошлаб то соат 20 дан 50 минут ўтгунча Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали пайқаш мумкин бўлмаган зонадан ташқарида айланмоқда. Бу вақтда СССР Фанлар академиясининг Атлантин океан акваториясида бўлган денгиз кемалари космонавтлар билан алоқа боғлаб турибди.

ТАРИХГА ЗАРВАРАҚ

Одамзод ер ташқарисидаги коинотни тадқиқ қилиш ва забт этишга ҳамиша интилиб келди. Бу гоя халқ эртаклари, афсоналаригa ва дадил орзуларга асос бўлди. Ана шу эзгу истаклар инсоннинг ижодий ақл-заковатини қўзғата берди ва коинотни ўзлаштиришда янги йўллар қидириш учун манба бўлаверди. Ниҳоят, инсон шундай бир мустаҳкам қанотга эга бўлдики, бу қанот уни бепоён самога олиб чиқди.

Бундан 20-30 йил олдин космик кемалар ердан кўтарилиб, узоқ фазога йўл олишига ақл бовар қилмасди. 1957 йилнинг 4 октябрида ер юзидаги кишилар Совет Иттифоқида биринчи марта Ернинг йўлдоши учирилганида ҳайратда қолган эдилар. 1961 йилнинг 12 апрель куни эса бутун дунё ватандошимиз Юрий Алексеевич Гагаринининг коинотга баҳодирона парвозини зўр ҳаяжон ва қувонч билан олқишлади. Ушанда биринчи марта инсон ўзи учун бутунлай янги бўлган физикавий, биологик ва эмоционал космик учиш шароитига тушиб қолди ва у натта синовдан ўтди. Тарихга зарварақ бўлиб кирган ана шу кундан бошлаб фазога бирин-кетин лочинларимиз парвоз қила бошлади. Мана, бугунги кунда жаҳон халқи совет кишиларининг яна бир жасоратига қойил қолмоқда.

Бахтли замонамизнинг ҳар бир куни билан фахрланса арзийди. Чунки ҳар жабҳада зафар қучилмоқда, янгилик туғилмоқда. Хушхабар кетидан хушхабар! Жасорат устига жасорат!.. Қуёш нурлари серфайз хонадонларимиз дарпардаларидан ўтиб улгурмасданоқ, бирор янгиликнинг шоҳиди бўляпмиз. Яна қандай хушхабар денг, коинотда совет фазогирлари учиб юрибди. Кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, полковник В. А. Шаталов, борт-инженер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, техника фанлари кандидати А. С. Елисеев ва синовчи-инженер Н. Н. Рукавишниковларнинг номи турли тилларда қайд этилмоқда, дилларга чексиз қувонч ва ғурур бағишламоқда.

«Союз-10» кемасининг Ер атрофи орбитасига учириб чиқарилган «Салют» орбитал илмий станцияси билан биргаликда тажрибалар, фазода учиш омилларининг одам организмига таъсирини ўрганишга доир медицина-биология тадқиқотлари ва бошқа текширишлар ўтказиш кема экипажидан пухта билим, қунт ва ирода, эзгу муҳими, жасорат талаб этади. Ишончимиз комилки, бу азамат лочинларимиз зиммаларига юклатилган мураккаб вазифани шараф билан бажарадилар.

А. МАНСУРОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VI СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг олтинчи съезди делегатларини ва сиз орқали Ўзбекистоннинг барча адибларини қизғин табриклайди.

Ўзбекистон ёзувчиларининг олтинчи съезди ажойиб кунларда — жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган вокеа қисобланган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездидан кейин ўтмоқда. Съезд партиянинг ўтган беш йил мобайнидаги кўп қиррали фаолиятига ҳамда совет халқининг илҳомбахш меҳнатига якун ясади, мамлакатни Ленин кўрсатиб берган йўлдан янада ривожлантиришнинг жанговар программасини кўриб чиқди ва белгилаб берди.

Коммунистик партия совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялашнинг, унинг ғоявий эътиқодларини шакллантиришнинг энг муҳим воситаси бўлган адабиёт ва санъатга ҳамиша катта аҳамият бериб келди ва аҳамият бермоқда. Совет адабиёти ва санъати бу юксак ролни муваффақиятли бажараётганлиги таҳсинга молликдир.

Ўзбекистон ёзувчиларининг бешинчи съездидан кейин ўтган давр мобайнида республика адабиёти арбоблари катта самарали иш қилдилар. Улар қатор қизиқарли ва талантли асарлар яратиб, бу асарларда совет кишилари ишларининг улуғворлигини ленинча партиявийлик ва халқчиллик позициясидан туриб тасвирлаб бердилар. Шонли воқеаларга — Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига, КПСС XXIV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездига тайёргарлик кезлари ёзувчиларнинг ижодий ҳаёти ва фаолиятига баракали таъсир кўрсатди.

КПСС XXIV съезди ижодий интеллигенция олдига янги, катта ва масъулиятли вазифаларни кўйди. Партия ғамхўрлигига социалистик воқеликнинг бутун бойлиги ва ранг-баранглигини ифодалаб берувчи янги юксак бадиий асарлар яратиш билан жавоб бериш ёзувчиларимизнинг шарафли ишидир. Китобхонлар адиблардан шу кунларимиз қаҳрамонлари бўлган шонли ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилувчи совет халқининг улуғ коммунистлар партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига монолит жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин китобларни кутмоқдалар.

Ёзувчиларимизнинг асарларида совет адабиёти негизини ташкил этувчи халқлар дўстлиги ва қардошлигининг, пролетар интернационализми ва қаётбахш совет ватанпарварлигининг буюк ғоялари бундан буён ҳам чуқур акс эттирилиши лозим.

Ўзбекистон адибларининг бурчи — ҳаётимизнинг рангба-ранглигини ҳаққоний акс эттиришда ленинча партиявийлик ва халқчиллик принципларига, ҳамиша содиқ бўлишдан, социалистик реализм байроғини баланд кўтаришдан, бизга ёт буржуа идеологиясига қарши кескин кураш олиб боришдан иборат.

Республика ёзувчилари ўзларининг ғоявий тобланишларини ва профессионал савияларини муттасил ошириб боришлари, ўз ижодларини ўзўзини танқид, юксак талабчанлик позициясидан туриб баҳолашлари, ёш адибларни эҳтиёт қилиб тарбиялашлари ва камол топтиришлари, ёзувчилик маҳоратини эгаллашда уларга ёрдамлашишлари лозим. Ёзувчининг совет халқи кўп қиррали ҳаёти билан мустаҳкам алоқаси, партия ишига, коммунизм идеалларига садоқати унинг ижодий муваффақияти ва ютуқларининг энг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи адабиётни ривожлантиришнинг ижодий проблемаларига, Союз аъзоларининг ғоявий савияси ва профессионал маҳоратини оширишга, адабиёт арбобларида ўз асарлари учун жамият олдидаги юксак масъулиятни ҳис этишни тарбиялашга, ижодкор ходимларнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга кун сайин эътибор беришга даъват этилгандир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг олтинчи съезди ишига муваффақиятлар тилайди ва Ўзбекистон адиблари ўзларининг бутун ижодий кучларини, ўз талантларини халққа сидқидилдан хизмат қилишга бағишлайдилар, улуғ давримизга муносиб янги ғоявий етук ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратадилар деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ПАРТИЯВИЙЛИК, ЮКСАК БАДИЙЙЛИК УЧУН

Ўзбекистон ёзувчиларининг VI съезди

Ўзбекистон ёзувчилари КПСС XXIV съезди белгилаб берган бунёдкорлик ишларининг улуғвор программасидан руҳланган ҳолда 23 апрель куни ўзларининг олтинчи съездига тўпландилар. Улар қилинган ишларни якунлаб, ўзбек совет адабиётини янада ривожлантириш йўлларини аниқлаб олдилар.

Съездни Ўзбекистон халқ шоири Уйғун очади.

Республиканинг етакчи адиблари, съездда қатнашмоқ учун Москва, Ленинграддан, қардош республикалардан келган меҳмонлар съезд президиумидан жой оладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат Н. Маҳмудов улар билан бирга президиумга чиқиб ўтирадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайланади.

Гулдурос қарсаклар остида Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга табрикномасини ўқиб эшиттиради. У, съезд қатнашчиларига мурожаат қилиб, Ленин партиясининг улуғ анкуманн совет жамиятининг коммунизм йўлидан ривожланишидаги янги босқични бошлаб берувчи жуда муҳим воқеа бўлган КПСС XXIV съездининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини таъкидлади.

Съезд материаллари ва қарорларида, деди нотиқ, Совет давлатининг халқаро ва ички аҳволи чуқур анализ қилиб берилди, партия кўп қиррали фаолиятининг ва совет халқи қаҳрамонона меҳнатининг якунлари чиқарилди, социалистик жамиятни янада ривожлантириш истиқболлари тасвирлаб берилди, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Ўтган беш йилликда совет халқи коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда катта қадам ташлаганлигини съезд мамнуният билан таъкидлади. Партия XXIII съезди белгилаб берган сиёсий ва асосий иқтисодий вазифалар муваффақиятли ҳал этилганлиги беш йилликнинг энг муҳим якуни бўлди. Мамлакат экономикаси улкан миқёсларга эришди. Халқ хўжалигининг ривожи тезлашди, сифат кўрсаткичлари яхшиланди.

Бугун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон экономикаси ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Саноат маҳсулотининг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик учун белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди. Саноатда миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам содир бўлди, ишлаб чиқаришнинг янги муҳим тармоқлари вужудга келди. Капитал қурилиш кенг кўлам касб қилди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтаришда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон деҳқонлари саккизинчи беш йиллика Ватанга 20 миллион 670 минг тонна пахта бердилар. Ленин юбилейи йилида Ватан пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди — давлат Ўзбекистондан 4 миллион 668 минг тонна «оқ олтин» олди. Бу — пахтакорларимизнинг жуда катта шижоати бўлди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайди, уларни тайёрлаш планлари ошириб бажарилди.

Савдо-сотиқ, маиший хизмат ва коммунал хўжалиги корхоналари, мактаблар, олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият муассасалари тармоғи кенгайди. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш сохасида кўп иш қилинди. Ана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

Тўққизинчи беш йилликда кўз ўнгимизда бундан ҳам порлоқ истиқболлар намоён бўлмоқда. Тўққизинчи беш йиллик совет жамиятининг коммунизм йўлидан олга боришида, унинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, халқ фаровонлигини оширишда муҳим босқич бўлади.

Мамлакатда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йилликда 42—46 процент, Ўзбекистонда 46—49 процент кўпайиши керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни мамлакатда 20—22 процент кўпайтириш белгиланган. Бу маҳсулотларни етиштириш Ўзбекистонда ҳам анча кўпаяди. Биз 1975 йилда пахта ҳосилини 5 миллион тоннага етказишимиз керак. Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳам ортади. Капитал қурилиш, айниқса сув хўжалиги ва уй-жой қурилиши кенг жабҳа бўйлаб давом эттирилади. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти, алоқа, телевидение, коммунал хўжалик, савдо-сотиқ, маиший хизмат янада ривож топади.

Халқ фаровонлигини ошириш соҳасида катта тадбирлар кўзда тутилган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли ҳамма табақаларининг турмуш даражасини юксалтириш имконини беради.

Съезд совет жамиятининг иқтисодий-сиёсий ривожи соҳасида партиянинг вазифаларини атрофлича қараб чиқди. Ўтган беш йилликда КПСС Марказий Комитети бу проблемаларга катта эътибор берганлиги ва ана шу проблемалар муваффақиятли ҳал этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Партиямиз совет жамиятининг сиёсий негизини ташкил этувчи ишчилар синфи билан деҳқонларнинг қудратли иттифоқини чиниқтирди. Партия ана шу буюк иттифоқни янада кўпроқ мустаҳкамлаш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги асосий тафовутларни бартараф қилиш йўлини бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказаберади.

Партиямиз ленинча миллий сиёсатни тўла-тўкис амалга оширди, мамлакатдаги ҳамма миллатлар ва элатларни дўстлик ва қардошликнинг бузилмас алоқалари билан боғланган халқларнинг ягона қудратли иттифоқига жипслаштирди. Партиямиз ҳамма миллатлар ва элатларни янада яқинлаштириш, совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказаберади.

Партиямиз фан ва маданиятни ривожлантиришда, коммунизм бинокори бўлган янги инсонни камол топтиришда катта муваффақиятларга эришди. Партиямиз барча меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини бундан буён ҳам тинимсиз ошираберади, жамият маънавий бойликларини янада ўстиришни, шахсни ҳар томонлама вояга етказишни таъминлайберади.

Жамиятни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, совет кишисининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқодлари ва маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт билан санъатнинг роли жуда катта. Мамлакат коммунистик қурилиш йўлидан олга борган сари бу роль ҳам муттасил орта беради. КПСС XXIV съезди буни қайта-қайта таъкидлаб ўтди.

Шу сабабли партия адабиёт билан санъатнинг ғоявий мазмунига катта эътибор бериб келганлиги ва бераётганлиги табиий бир ҳолдир. Ленинча партиявийлик принципига мувофиқ партиямиз бадиий ижодкорликнинг ҳамма турларини коммунистик қурилишдан иборат умумхалқ ишида иштирок этишга йўллаб туришни ўз вазифаси деб билади.

Съезд адабиёт ва санъат соҳасидаги муваффақиятларга юксак баҳо берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг ва санъат арбобларимиз ижодининг тематик диапазони сезнларли даражада кенгайди, уларнинг бадиий маҳорати ўсди, ижодий услублари хилма-хил бўлиб қолди. Адабий ижодиётнинг ҳамма турлари ва жанрларида — проза ва поэзияда, драматургия ва болалар адабиётида, бадиий таржима ва адабий танқидда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Тасвирий санъатда, музика, ва театр санъатида, кинематография ва архитектурада ҳам ана шундай ютуқлар кўриниб турибди.

Шуниси айниқса қувончлики, адабиёт ва санъатга кўпгина янги истеъдодли қаламкашлар, бадиий ижодиётнинг янги талантли усталари кириб келишди. Уларнинг баъзиларининг асарлари республикада ва мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам севиб ўқилмоқда.

Шу даврда Ленин мавзуи бадиий ижодиётда алоҳида ўрин олди. Ленининг юз йиллик юбилейига тайёргарлик ижодий эпелилар талантлари ва муваффақиятларининг чинакам кўригига айланди. Шу даврда Ленинга ва у тузган партияга бағишланган мароқли, завқ, бахш этувчи романлар, қиссалар, шеърий ва музика асарлари, пьесалар, кинофильмлар дунёга келди. Улуғ доҳий сиймоси рассомларнинг ва ҳайкалтарошларнинг асарларида гавдалантирилди. Шу асарларнинг кўпчилиги революцион жўшқинлик, ленинизмга садоқат руҳи билан суғорилган.

Кейинги йилларда республикамизда ажойиб социалистик воқеликни таранним этган бир талай асарлар пайдо бўлди. Бу асарларда замондошларимизнинг, коммунизм бинокорларининг ёрқин образлари чизиб берилган. Ёзувчиларимиз ва санъат арбобларимиз халқ орасида машҳур бўлиб кетган ижобий қаҳрамонлар галереясини анча бойитдилар. Юксак идеаллар ва муддоаларнинг, аҳлоқий поклик ва олий ҳиммат ишларнинг ифодачилари, ҳамма прогрессив нарсаларнинг жўшқин тарафдорлари, коммунизм йўлидаги толмас меҳнатчилар ва фидокор курашчилар бўлган коммунистлар шу кишилар орасида муносиб ўрин олиб турибдилар.

Ўзбек совет адабиёти марксча-ленинча эстетика фани асосида ривожланиб бормоқда. Адабиётимиз ҳаётимиздаги миллий ва интернационал ҳодисаларнинг диалектик бирлигини ифодалайди, совет кишисининг коммунистик идеалларни қарор топтиради, шахснинг уйғун равишда ривожланишига ёрдам беради. Республикамизда халқларнинг интернационал қардошлиги ва дўстлиги мавзуига бағишланган бир қатор яхши асарлар яратилди. Бу асарлар китобхонни ўзини ягона совет онласининг аъзоси деб билиш, одамларнинг янги бирлиги бўлган совет халқининг вакили деб ҳис қилиш руҳида тарбиялайди.

Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг энг яхши асарларини партия ва халқ юксак баҳолаганлигига асотойдил қувонамиз. Адибларимизнинг катта группаси ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди, халқ шоири ва халқ ёзувчиси деган фахрий унвонлар, Ленин мукофоти, халқаро ва республика мукофотлари олди.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги муваффақиятларга кўп жиҳатдан республика партия ташкилоти адабиёт ва санъатни ривожланти-

Партияни шарафлаймиз

Уткир РАШИД

ҚАЙНОҚ МЕҲРИНГ БИЛАН УЛҒАЯР ИНСОН

Эй улуғ партиям,
бошлайвер олға!
Сен борсан, йўл равон, мушкуллар
осон.
Қадрдонсан бизга, улуғ рус-оға,
Дўстлик меҳри билан улғаяр
инсон.
Дўстлик меҳри билан топдик
эътибор,
Қардошлар сафида тенг халқмиз—
ўзбек.
Дўст бўлинг! — дединг сен,
дўстлик бўлди ёр,
Бирлашдик миллатлар ога-
ниндек.
Сен берган ҳаётнинг нашъу-
намосн
Қизчамнинг ҳуснида, бобом
онгида,
Сен берган ҳаётдан авлодлар
рози,
Коммунизмнинг бу улуғ
тонгида,
Сен ёққан машъалдан бахраманд
инсон,
Ғолиб байроғимиз тинчлигининг
рамзи.
Бу байроқ остида жаҳон қадрдон,
Оламда янграйди тинчлик овози.
Жанговар партиям,
Сен берган таълим
Бу юртда халқимнинг ғолиблик
сири.
Миллион-миллионларга бўлдинг
муаллим,
Мана, менман ўша шогирддан
бири.
Қаҳрамон партиям,
Бошлайвер бизни
Яна курашга-ю, яна зўр ишга!
Сафарбар қилганмиз бор
кучимизни,
Коммунизм қасрин тезроқ қуришга.
Сенинг номинг билан айтилган
ҳар сўз
Барча ишимизга бўлади асос.
Коммунист халқ билан бир дилу,
бир кўз,
Партия халқ демак, халққа
жўровоз.
Тингладик биз сени катта съездда,
Сен билан яшайди инсон
умиди,
Сендан ўрганамиз ҳар ишимизда,
Халқ доим сен билан яшасам
дейди.

Зоҳиджон ОБИДОВ

УЛУҒ АЙЁМ

Сени шарафлаймиз, эй, қутлуғ
даврон,
Баҳорий гурираш, шонлар
шаванда.
Сени шарафлаймиз, эй, ёруг замон,
Тенги йўқ бахт берган онлар
завқида.
Сени ардоқлаймиз, эй, нурли ҳаёт,
Ҳар лаҳзанг дилларда минг бор
гул очар,
Партиям юксал деб берганди
қанот,
Довондан-довонга азми нур сочар.
Партия садоси — эл иродаси,
Табаррук съезддан олам нурафшон.
Ҳар сўзин қадрининг йўқ ниҳояси,
Зеҳнидан бугуноқ эртамиз аён.
Кўкка ҳам етгуси чўсаг

Р. САХИБОЕВ.

1971 йил 23 апрель.
Тошкент шаҳри.

«САЛЮТ» УЧИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Учишни бошқариш маркази, 23 апрель. (ТАСС). Шу йил 19 апрелда Ер атрофи орбитасига чиқариб қўйилган «Салют» орбитал илмий станцияси учишни давом эттирмоқда. 23 апрель Москва вақти билан соат 6 га қадар станция Ер атрофини 66 марта айланиб чиқди.

Станция бортидан олинаётган телеметрик ва илмий ахборотлар координациялаш-ҳисоблаш марказида ишлаб чиқилмоқда. Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, борт системалари ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи территориясида ва СССР Фанлар академиясининг кемаларида жойлашган ўлчов пунктлари «Салют» станциясининг ишини кузатиб ва бошқариб турибди.

ИЛЬИЧГА РАПОРТ

Тошкент трикотаж фирмаси коммунистик меҳнат зарбдорларининг кеча бўлган слёти «Ленинчасига яшаймиз ва ишлаймиз!» деган шиор остида ўтди. Бу слёт В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ўтди. Анъанага кўра Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ана шу ерда ўз меҳнат зафарлари тўғрисида Ильичга рапорт бермоқдалар.

Коммунистик меҳнат бригадаларининг марши тантанавор янграйди. Фирма ветеранлари йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида Ленин бешиллиги ва КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа ғолибларига коммунистик меҳнат зарбдорлари ғувоҳномаси билан нишонини топширадилар.

Слёт қатнашчилари Л. Комисар бошчилигидаги тўқув цехининг бригадасини самимий кутиб олишди. Бу коллектив корхонада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрий унвонни олган.

Фахрий унвонлар олишга сазовор бўлган корхона меҳнаткашлари номидан сўзга чиққан тўқувчи М. Пермякова трикотажчилар тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини шараф билан адо этадилар, деб йиғилганларни ишонтирди.

Слёт қатнашчилари Владимир Ильич Ленин ҳайкали ёнига гулдасталар қўйдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР областларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1971 йил 23 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—экилган чигит (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти, тўртинчи стун — экилган маккажўхори (минг гектар ҳисобида); бешинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.

Сирдарё	285,7	100,6	21,9	104,4
Тошкент	139,2	100,2	17,9	88,5
Андижон	184,4	100,1	11,7	99,8
Наманган	135,2	100,0	11,9	81,6
Сурхондарё	123,0	100,0	10,0	101,0
Бухоро	147,5	95,9	12,6	120,7
Фарғона	169,4	88,8	10,1	57,7
Қашқадарё	92,4	88,3	9,2	82,6
Самарқанд	149,8	86,3	17,6	84,9
Хоразм	32,6	31,2	1,3	12,5
ҚҚ АССР	22,9	19,2	1,5	9,9
Республика бўйича:	1482,1	86,6	125,7	77,2

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ

ФАРҒОНА

Барча совет кишилари қатори Фарғона области меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съезди материалларини сидқидил билан ўрганиб, унинг ҳаётбахш қарорларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган партия активининг йиғилиши қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсудиновнинг КПСС XXIV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини тингладб, муҳокама қилдилар.

Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари съезд ўз ишини бошлаган кунданоқ, бутун диққат-эътиборларини Ватанимиз пойтахти Москвага қаратдилар, съезд ишини юксак ифтихор ва фахрланиш туйғуси билан кузатиб бордилар, КПСС ва унинг ленинчи Марказий Комитети ҳисобот даврида олиб борган бутун фаолиятини, ички ва ташқи сиёсатини, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлигини тўла-тўкис маъқуллядилар.

Ўтган беш йиллик мобайнида область партия ташкилоти КПСС XXIII съезди қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида йирик муваффақиятларни қўлга киритишда етакчи бўлди. Областда давлатга пахта, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йиллик планлари шараф билан бажаришди.

Область саноатчилари янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳам дастлабки муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш биринчи квартал плани 26 мартдаёқ ортиғи билан бажарилган эди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13 процент, меҳнат унумдорлиги эса 7 процент ортди. Планга қўшимча 13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Лекин, докладчи таъкидлаб ўтганидек, область халқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳали фойдаланилмай ётган резервлар ва ички имкониятлар мавжудлиги ҳолда улардан тўла фойдаланилмаётир. Айрим раҳбар ходимлар, бошлангич партия ташкилотлари ўз корхоналарида техника тараққиёти ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишга етарли эътибор бермаётирлар. Бу масалалар партия ташкилотлари йиғилишларида камдан-кам муҳокама қилинмоқда. КПСС XXIV съезди резолюциясида раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш масаласи алоҳида уқтириб ўтилган. Бу талабларни ҳар бир раҳбар ходим ўз фаолияти учун асосий йўл-йўриқ ва мундарижа қилиб олмоғи лозим.

Тўқкизинчи беш йилликда область меҳнаткашлари олдида янада улуғвор, янада шарафли вазифалар турибди. Беш йил ичида область пахтакорлари давлатга 2 миллион 452 минг тонна пахта сотишлари, 1975 йилга бориб пахта ҳосилини умумий ҳажмини 500 минг тоннага етказишлари лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг рентабелли ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини тинимсиз ошириб бориш, чорва молларини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини яхшилаш каби вазифалар турибди.

КПСС XXIV съезди ҳужжатларида партия қурилиши ва партиянинг ички ҳаётий ташкилий-партиявий ва идеология ишида ленинча принципларга қатъий амал қилиш масалаларига кенг ўрин берилган. Область партия ташкилоти ҳам йилдан-йилга сон жиҳатидан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ғоявий жиҳатдан чиниқиб бормоқда. Унинг кенг халқ оммаси билан алоқаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Ҳозир область партия ташкилотлари ўз сафларига 46772 коммунистни бирлаштирган. Уларнинг 36,7 проценти ишчилар, 30,5 проценти колхозчилар, 32,8 проценти хизматчилардир.

КПСС XXIV съезди ҳужжатларини кенг пропаганда қилиш ва чуқур ўрганишни ташкил этиш область партия ташкилотининг шу кунлардаги жуда муҳим вазифасидир. Бу борада дастлабки тадбирлар амалга оширилди. Партия сиёсий ўқувининг барча звеноларида айни пайтда 48,5 минг коммунист ва партиясиз активлар съезд материалларини ўрганишмоқда.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар ана шулар ҳақида гапиришди.

— Съезд партия ва халқ бирлиги ва жипслигининг ёрқин намойишига айланди, — деди ўз нутқида Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Қамбаров. — Коммунистлар, шаҳримиз меҳнаткашлари партиямиз XXIV съезди қарорларини зўр қониқиш билан қутиб олишди. Ана шу қарорларни амалга ошириш учун астойдил ишга киришилди.

Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари А. Пайғамов йиғилиш қатнашчиларига съезд қарорларини ўрганиш юзасидан районда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар ҳақида гапириб берди.

КПСС XXIV съезди делегати, Марғилон ипак комбинатининг ишчиси М Иброҳимова нутқини йиғилиш аҳли зўр эътибор ва ҳаяжон билан тинглади. У съезд таассуротлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Ленинград район ижроия комитетининг раиси Т. Исмоилов хўжалик ва маданий қурилишда маҳаллий Советлар ролини янада ошириш масалаларига батафсил тўхталди.

Йиғилиш қатнашчилари Фарғонанинг барча меҳнаткашлари ҳис-туйғуларини ифодалаб, КПСС XXIV съезданинг қарорларини, партия Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини зўр қониқиш ва якдиллик билан маъқуллядилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

А. ЭШОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қ. ДЕҲҚОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ИСТИҚБОЛ ПРОГРАММАСИ

САМАРҚАНД

КПСС XXIV съезди давом этиб турган кунларда Самарқанд, Каттақўрғон, Оқтош шаҳри ва областдаги барча саноат корхоналарининг ишчилари, бинокорлар, деҳқонлар, чорва, ферма ходимлари юксак кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Самарқанд ҳимиклари, Ингичка кончилари, пахта тозалаш заводлари, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати ва бошқа коллективлар съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб смена топшириқларини тўла ва ошириб бажардилар, планга қўшимча талай миқдорда маҳсулот топширдилар, жонажон Коммунистик партиямизнинг катта ишончини ғалаба рапорти йўлладилар.

Самарқанд область ва шаҳар партия активи йиғилишида КПСС XXIV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Усмонов доклад қилди.

— Шонли Коммунистик партиямизнинг, — деб таъкидлади докладчи, — олиб борган кўп қиррали ишлари ва совет халқи қилган қаҳрамонона меҳнатининг якунларини кўриб чиққан, янги истиқбол режаларини ижодий тарзда чизиб берган КПСС XXIV съезди сиёсий ва халқаро ҳаётда катта ўрин тутади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ёрқин ва мазмунли ҳисобот докладида Совет давлатининг халқаро ва ички аҳволи чуқур таҳлил қилиб берилган. Тараққиёт йўллари равшан кўрсатиб ўтилган.

Ўтган беш йилликда Самарқанд области ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Саноат маҳсулоти анча ўсди. Ишлаб чиқариш фондлари сезиларли даражада кўпайди. Ҳамиша навқирон Самарқанднинг 2500 йиллиги арафасида йирик саноат объектлари барпо этилди. Самарқанд чинни ва лифт заводлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Кўпгина саноат корхоналарида янги цехлар, участкалар қурилди.

Самарқанд область партия ташкилоти олдида турган энг муҳим ва бош вазифалардан бири, — деди докладчи — съезд қарорларини меҳнаткашлар орасида кенг пропаганда қилиш, съезд тарихий ҳужжатларини ҳар бир меҳнаткашга чуқур тушунтиришдан иборатдир.

Обком, шаҳарком ва райкомларнинг секретарлари, бюро аъзолари, барча партия активлари сиёсий докладчи, сиёсий ахборотчи сифатида съезд материаллари ҳамда қарорларини пропаганда қилишга актив қатнашишлари лозим. Шаҳар ва район партия комитетлари агитпунктлар, клублар, дала шийпонларида ишини тубдан қайта қуришлари, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар составини ишчан коммунист ва комсомоллардан врач, инженер ва бошқа зиёлилар ҳисобига кенгайтиришлари, улар иши устидан назоратни кучайтиришлари керак. Бригада дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирмоқ лозим.

Докладчи ва музокарада сўзлаган ўртоқлар съезд Директиваларида таъкидлаб ўтилганидек, областнинг ҳамма шаҳар ва районларида саноат янада тараққий этажагини ва маданият беқиёс ривожланишини, қишлоқ хўжалиги ва унинг муҳим тармоғи бўлган пахтачилик тағин юксалажагини мамнуният билан кўрсатиб ўтдилар. Ленин орденли Самарқанд шаҳрида тўқкизинчи беш йилликда йирик саноат корхоналари қад кўтаради. Самарқанд суперфосфат заводида аммофос ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, шу ҳисобдан корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳозиргига қараганда 3,5 мартадан знёдроқ ошади. Уйрўзғор холодильник заводи қурилади. Ишга тушган чинни ва лифт заводлари тўла қувват билан ишлай бошлайди. Ингичка молибден ва Ғозғон мармар конлари ҳам кенгаяди.

Область колхозлари ва совхозлари бу йил 470 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган. Шу муносабат билан Нарпай канали кенгайтирилмоқда, ирригация мелиорация ишлари кучайтирилмоқда. Актив йиғилиши пахта етиштиришни кўпайтиришга боғлиқ бўлган тадбирларни тезлик билан амалга ошириш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳаитов, Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари А. Мелиев, Самарқанд шаҳридаги уйсозлик комбинатининг ишчиси И. Симоковская ўртоқлар сўзга чиқиб, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ички резерв ва имкониятларга тўхталдилар. Улардан унумли фойдаланиш ҳақида гапирдилар. Актив йиғилиши қатнашчилари КПСС XXIV съездининг делегати, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг слесари Ю. Юсуповнинг сўзини зўр эътибор билан тингладилар. Нотиқ съезд таассуротларини ҳикоя қилиб берди. Узи ишлаётган корхонанинг ютуқлари, резервларнинг ленинча кўриги, съезд шарафига бошланган меҳнат вахтаси қизғин давом этаётганлигини тўлқинланиб гапирди.

Актив йиғилишида саноат, қурилиш, маданият ва бошқа соҳалардаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Меҳнаткашлар ўртасида съезд қарорларини ва материалларини кенг пропаганда қилиш тадбирлари белгиланди. Актив йиғилиши қабул қилган резолюцияда Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида ва А. Н. Косигиннинг тўқкизинчи беш йиллик план юзасидан Директивалар тўғрисидаги қилган докладида баён қилинган таклифлар ва хулосалар тўла-тўкис маъқулланди.

Актив йиғилиши қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрик хати қабул қилдилар.

КПСС XXIV съезданинг якунларига бағишланган Самарқанд область ва шаҳар партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЙДИН ЙЎЛ

АНДИЖОН

АНДИЖОН, [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Область партия активининг КПСС XXIV съезди қарорларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши принципиаллик ва ишчанлик билан ўтди. Йиғилиш қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Раҳимовнинг партия XXIV съездининг якунлари ва область партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги докладини тингладилар ва кенг муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида коммунистик қурилишнинг жанговар программаси ишлаб чиқилди, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига доир масалалар чуқур таҳлил қилинди.

Область меҳнаткашлари партия XXIV съездини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Улар съезд шарафига олган юксак мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Область саноати квартал планидан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Транспорт ва алоқа ходимлари, қурувчилар ҳам яхши ишладилар. Уч ойда 21 минг квадрат метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. Областда ғўшт тайёрлаш квартал плани 124 процент, сут тайёрлаш квартал плани 123,5 процент бажарилди.

Докладчи ютуқлар билан бирга ишдаги камчиликларни ҳам таъкидлаб ўтди. Уларни қандай бартараф этиш йўлларини айтди. Сўнг янги беш йилликда қилинадиган ишларга тўхталди. КПСС XXIV съезди Директиваларида таъкидланганидек, Андижон сув омбори қурилиши авж олдирилади. Андижон ип газлама комбинати қурилиши бошлаб юборилади. Мебель, пойафзал фабрикалари қурилади. Володарский номли тикувчилик фабрикасининг янги корпуси ишга туширилади. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожлантирилади.

Докладчи КПСС XXIV съезди материаллари ва қарорларини кенг пропаганда қилиш, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини ҳар бир кишининг онгига етказиш тўғрисида гапирди. Бу ишга лекторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий докладчилар ва зиёлилар жалб қилинган.

Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини, сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллади. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати А. Тиллабоев йиғилиш қатнашчиларига съезддан олган таассуротларини айтиб берди.

— КПСС XXIV съездида Андижон сув омбори қурилишини жадаллаштириш тўғрисида гап бўлди, — деди «Андижанстрой» бошқармасининг экскаватор машинисти С. Березин, — бу зиммамизга катта масъулият юклайди. Шағалбетон заводининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Янги завод йилига 560 минг куб метр бетон, 1 миллион 100 минг куб метр шағал тайёрлайди.

Хуллас, Андижон сув омбори қурилишида ишлар юришиб кетди. » Съезд қарорларидан илҳомланган қурувчиларимиз шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

Докладни муҳокама қилишда Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Обидов, область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Қубиев, Андижон районидаги «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи Й. Абдураззоқов, Марҳамат район партия комитетининг биринчи секретари А. Йўлдошев ва бошқалар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қатнашди ва нутк сўзлади.

Область партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини маъқуллаб резолюция қабул қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

УЛКАН ВАЗИФАЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. Барча совет кишилари каби автоном республика меҳнаткашлари ҳам съезд қарорларини коммунистик қурилиш суръатларини тезлаштириш, халқнинг моддий турмуш даражасини янада яхшилашнинг улуғвор программаси деб биладилар. Яқинда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон область ва Нукус шаҳар партия активи йиғилишида худди ана шу ҳақда гапирилди.

КПСС XXIV съезданинг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов доклед қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига доир масалалар, партиянинг ташкилий ва мафкуравий ишлари, шунингдек Совет давлатининг халқаро ва ички аҳволи чуқур таҳлил қилинди.

Ишлаб чиқариш кучларини янада кўпайтириш, фан, техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ фаровонлигини ошириш, халқнинг маънавий ўсиши, социалистик ижтимоий муносабатларнинг ривожлантирилиши, Ватанимиз мудофаа қудратининг мустаҳкамланиши КПСС XXIV съезди Директивларининг бажарилиши билан чамбарчас боғлангандир.

Тўқкизинчи беш йилликда автоном республика халқ хўжалиги олдида муҳим вазифалар турибди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 35-40 процентга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Тахиатош гидроузели қурилиши 1972 йил охирига бориб битказилади. Тахиатош ГРЭСининг тўртинчи навбати ишга туширилади. Пахтачилик саноати тармоқлари яна ҳам кенгаяди. Беш йилликнинг охирига бориб пахта етиштиришнинг ялпи ҳосили 330 минг тоннага етказилади. Шоли етиштириш 1970 йилга нисбатан 77 процентга, сабзавот икки марта, полиз 1,5 марта, мева 4,2 марта, узум 20 марта кўпаяди. Ғўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари кескин суратда ошади.

Тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йилида автоном республика пахтакорлари, шоликорлари бахорнинг ноқулай келишига қарамасдан, давлатга камида 350 минг тонна «оқ олтин», 70 минг тонна шоли етказиб бериш учун кўкламги ишларни зўр тайёрлик, уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Боболазаров биринчи бўлиб минбарга чиқади.

— Шаҳар саноати ходимлари, — деди у, — тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун конкрет план ва режаларни белгилаб олдилар. Беш йилликнинг дастлабки йилининг биринчи квартал топшириқларини ошириб адо этдилар.

Қўл меҳнатини механизациялаштириб бориб, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштирамиз. Ҳар бир мутахассиснинг иқтисодий билим савиясини оширишга эришамиз.

Актив йиғилиши қатнашчилари КПСС XXIV съезди делегати Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойим Камолованинг нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Съездда олган таассуротларим бир умр ёдимда қолади, — деди у, — Москвадан қайтиб келгач, съезд материалларини колхозимиз аъзолари билан биргаликда ўрганиб чиқдик. Съезд қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди. Беш йилликнинг биринчи йилида районимиз 55 минг тонна, колхозимиз ҳар гектар майдондан 40 центнердан хосил кўтариб 5140 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

— Партия XXIV съезди қарорларидан руҳланган районимиз деҳқонлари, — деди Беруний район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Нуримбетов, — экишни 10-12 иш кунида тамомлаш учун астойдил ишладилар. Қишлоқ хўжалигининг колоқ участкаси чорвачиликни механизациялаштириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Яқин вақт ичида районимизда чорвачилик зарарли тармоқдан фойдали тармоққа айланади.

Мўйнок районидаги «Память Ленина» колхозининг мотористи У. Волдибоев ўзининг нутқини Жанубий Оролда балиқчиликни ривожлантириш перспективалари ва беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун катта имкониятлар бор эканлигига қаратди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашди ва нутқ сўзлади. Актив йиғилиши КПСС XXIV съезди қарорларини бир овоздан якдиллик билан маъқуллаб резолюция қабул қилди.

Актив йиғилиши қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрик хати қабул қилдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮҚСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

НАМАНГАН

Барча совет кишилари қатори Наманган области меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съезди ишини зўр қизиқиш ва диққат-эътибор билан кузатиб турдилар ва ҳозирги вақтда съезднинг тарихий қарорларини чуқур ўрганиб, ундан ўзларининг қаҳрамонона ва бунёдкорлик ишлари учун янгидан-янги куч олмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган область партия активи йиғилишида обкомнинг биринчи секретари А. Хўжаев КПСС XXIV съезданинг якунлари ҳамда область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. Докладчи партиямиз олий анжумани якунлари ҳақида батафсил ахборот бериш билан бир қаторда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ишларнинг натижаларига тўхталди.

Докладда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йиллар учун мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан съезд Директиваларидан келиб чиқадиган вазифалар тилга олинди. Тўқкизинчи беш йилликда область меҳнаткашлари олдида янада улкан вазифалар турибди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми анча кўпаяди. Янгидан 30 дан ортиқ корхона ишга туширилади ва реконструкция қилинади. Янги беш йиллик охирига бориб пахта етиштириш йилига 380 минг тоннага етказилади. Бу 1970 йилдагига қараганда 30 минг тонна кўп демакдир.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашларининг фикр ва туйғуларини ифода қилиб, КПСС XXIV съезди қарорларини якдиллик билан маъқулладилар. Нотиқлар ўз сўзларида съезд қарорлари тараққиётнинг ойдин истиқболи эканлигини таъкидладилар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги режалар хусусида ўзларининг мулоҳазаларини билдирдилар. Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Хусниддинов партия XXIII съезидан кейинги ўтган даврда шаҳар партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланганлигини таъкидлади. Беш йил ичида шаҳар коммунистларининг сони 2 минг кишига кўпайди. Партия ташкилотлари секретарларининг 94 проценти олий ва ўрта маълумотга эга бўлган кишилардир. Поп районидаги Найман совхози партия комитетининг секретари М. Турдиалиевнинг маълум қилишича, хўжаликда съезд қарорлари пропагандасига катта эътибор бериляпти. Икки агитпунктга бирлашган агитатор ва сиёсий ахборотчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқларнинг докладлари ва съезд Директивалари меҳнаткашларга чуқур тушунтириляпти.

Партия активи йиғилиши иштирокчилари КПСС XXIV съезди делегати, Янгиқўрғон районидаги «Победа» колхозининг сут соғувчиси У. Имомбоева нутқини марок билан тингладилар. Ўртоқ Имомбоева ўзининг съездан олган унутилмас таассуротларини зўр ҳаяжон билан гапириб берди ва 1971 йилда ўзига бириктирилган 23 бош сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олишга сўз берди.

Йиғилишда сўзга чиққан Задарё район партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳасанов, Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг директори Д. Маҳмудов, шойи тўқиш фабрикаси ишчиси, XXIV съезд делегати С. Асқарова ва бошқа ўртоқлар ҳам янги беш йиллик вазифаларини бажариш соҳасидаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Область партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Курбонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧАНЛИК, СИЁСИЙ АКТИВЛИК

ХОРАЗМ

Хоразм область партия активининг йиғилишида КПСС XXIV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари ишчанлик, активлик вазиятида муҳокама этилди. Бу масала юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов қилган докладда КПСС XXIV съезди ҳужжатларининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти, съезд қарорларида белгиланган улуғвор вазифалар таъкидлаб ўтилди.

— Область меҳнаткашлари съезд руҳи билан нафас олмоқдалар, съезд қарорларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар, — деди докладчи.

Тўқкизинчи беш йилликда область қишлоқ хўжалиги янада равнақ топади. Беш йил мобайнида мамлакатга бир миллион 800 минг тонна пахта етказиб берилади. Дон, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпаяди. Хоразмликлар бу йил 410 минг тонна пахта етиштиришга бел боғлаганлар.

Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари, КПСС XXIV съезди делегати М. Маткаримов ўз нутқида съезд таассуротлари ҳақида ҳаяжон билан гапирди, район меҳнаткашлари съезд қарорларига амалий иш билан жавоб бераётганлигини айтди.

Урганч шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланиб, коммунистчасига меҳнат қилиш, ишлаб чиқаришда юксак унумдорликни ва тежамкорликни таъминлаш, ҳар бир ишчининг шахсий план ва режалар асосида ишлаш ташаббусини қувватлаш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Асқарова ишчилар синфининг съезд қарорларига амалий жавоби, меҳнат активлиги ҳақида жонли мисоллар келтирди.

— КПСС XXIV съездидан қайтганимдан буён ҳамқишлоқларим, дўстларим даврасидаман, — деди Хива районидаги Беруний номли колхознинг бригада бошлиғи, съезд делегати Норжон Машарипова. — Суҳбатимизнинг бош мавзуи: Леонид Ильич Брежнев доклади, съезд ҳужжатлари. Бригадамиз аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишмоқчи. Ҳар центнер пахтанинг таннархини 5 сўм камайтирамиз. «Ўзбекистон» агрегатида ўзим 300 тонна пахта теришга сўз бераман.

Қўшкўпир районидаги «Ленинград» колхози бошлангич партия ташкилотининг секретари А. Қобулов ўз сўзини КПСС XXIV съезди қарорларини меҳнаткашлар онгига етказишга, коммунистларнинг активлигини оширишга, оммавий-сиёсий ишни кучайтиришга бағишлади.

Урганч районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, КПСС XXIV съезди делегати С. Раҳимов съезд қарорлари қишлоқда зўр кўтаринкилик уйғотганлигини, чорвадорлар тухум, қоракўл тери сотиш йиллик планини, давлатга ғўшт, жун сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарганликларини айтди.

Ғурлан район партия комитетининг биринчи секретари Х. Раҳимов съезд қарорлари асосида хўжаликка партия раҳбарлигини такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик фаолиятини кучайтириш, социалистик мусобақага бошчилик қилишда коммунистларнинг активлигини ошириш масаласига тўхталди.

Урганч ремонт заводи слесари К. Абдуллаев корхона коллективи янги мажбурият олиб ишлаётганлигини, шахсан ўзи эса беш йилликни уч йилда бажаришга сўз берганлигини айтиб, ишчиларнинг жўшқин меҳнат фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Жабборов, Ҳазорасп район партия комитетининг биринчи секретари А. Болтаев КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги муҳим вазифаларга эътиборни қаратдилар.

Партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси А. Д. Бесчастнов нутқ сўзлади. Шунингдек, йиғилишда КПСС Марказий Комитети инспектори С. Шпилевой қатнашди.

Актив йиғилиши тегишли қарор ва КПСС Марказий Комитетига табрик хати қабул этди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ ОЛАМИДА

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА — БАЙРАМ

Баҳор байрами — Май шодиёналарининг иккинчи куни Тошкент ипподромида от спорти бўйича катта мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Чавандозлик байрамида Тошкент областининг Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз территориясида бир неча кун давом этган қизғин пойгада беллашгандар — ўзбекистонлик суворийлар, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистоннинг чавандоз йиғитлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Куни кеча республика Министрлар Совети совғини учун ўтказиладиган катта мусобақа ташкилий комитетининг йиғилиши бўлди. От спорти байрамига бағишланган бу йиғилишга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Габриельянц раислик қилди. Йиғинда тадбирий ва ташкилий масалалар билан бир қаторда, худди шу куни бўладиган «Пахтакор» — ЦСКА командалари футбол учрашуви билан боғлиқ транспорт масалалари ҳам кўрилди. Бу билан от спорти ҳамда футбол муҳлислари учун имконият яратилди.

НАВБАТ — ШАХСИЙ БИРИНЧИЛИККА

Спорт муҳислари яқинларида совға қилинган янги теннис стадионида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун ўтказилаётган мусобақалар давом этмоқда. Совғи иштиёқида ўзаро курашаётганлар ўртасида команда биринчилиги мусобақалари поёнига етказилди. Биринчилик учун даъвогарлик қилиб келаётган республикамиз командаси ҳал қилувчи сўнгги курашда эстонияликлардан кутилмаганда 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраб, муҳим имкониятни бой беришди ва кумуш совғиндор бўлиб қолдилар. Энди навбат шахсий биринчиликка келди.

ДОВОН ОШИЛДИ

Бундан бир неча кун аввал Тошкентдан старт олган анъанавий кўп кунлик велосипед пойгаси иштирокчилари кўзда тутилган босқичларнинг ярмини ўтиб, орқага — марра сари интилишни бошлаб юборишди. Спортчилар қайтиш олдидан Навоий шаҳри кўчалари бўйлаб куч синашдилар. Етти босқичдан кейин ҳам умумкомандa ҳисобида ҳамон республикамиз терма командаси пешқадамлик қилмоқда. Шахсий биринчиликда эса пойгани тошкентлик В. Семёнов бошқариб келмоқда.

ОБЛАСТЬ СПАРТАКИАДАСИ

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область спартакиадаси очилди. Бу йилги спартакиада областда спорт янада оммавийлашган бир вазиятда ўтмоқда. Ҳозир минглаб йигит-қиз физкультура ва спорт билан шуғулланяпти. Спорт иншоотлари тармоғи кенгаймоқда. Малакали спортчилар кўпайиб, уларнинг маҳорати ортиб боряпти.

Спартакиада «Спартак» стадионида очилди. Спартакиада қатнашчиларини ташкилий комитет раиси, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Каримова табриклади. Энг яхши спортчилар спартакиада байроғини кўтардилар ва турли спорт машқларини, ўйинларини намойиш қилдилар. Спартакиада давомида спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар ўтказилади.

Жаҳон мамлакатларида

Шимолий Ирландия. Белфастнинг католиклар яшайдиган районида олиб борилаётган тинтувлар ёшлар билан инглиз солдатлари ўртасида яна тўқнашувлар чиқишига олиб келди. Айрим кўчаларга баррикадалар қурилиб ташланди. Намойишчиларни тарқатиб юбориш учун қўшин ва полиция кучлари ташланди. Суратда: инглиз солдатлари Белфаст кўчаларида.

ЮПИ-ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК НАМОЙИШИ

Болгария Коммунистик партиясининг Софияда ўтаётган X съезди чет эл матбуотининг эътиборини жалб қилмоқда. Съезднинг иши тўғрисидаги ахборотларни кўпгина мамлакатларнинг газеталари кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқармоқда. Матбуот органлари Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Живков қилган БКП Марказий Комитетининг ҳисобот докладини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқини, бошқа қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг раҳбарлари сўзлаган нутқларни айниқса бўрттириб кўрсатмоқда.

◆ БОЛГАРИЯ. Ҳозир Болгария коммунистларининг, мамлакатдаги барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори БКП X съезди ишига қаратилган. БКП Марказий Комитети ҳисобот докладиди асосий гап шуки, деб ёзади «Отечествен фронт» газетаси; унда босиб ўтилган йўл тўғри ва ҳар томонлама таҳлил қилинган, мамлакатнинг келгусидаги ривожланиш йўли кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев сўзлаган нутқи мамлакатда жуда катта қизиқишга сазовор бўлди. Болгариянинг ҳамма чеккаларидаги миллион-миллион кишилар бу нутқни тингладилар. Болгариянинг ҳамма газеталари нутқнинг тўла текстини, КПСС Марказий Комитетининг БКП X съездига табрикномасини биринчи саҳифаларда эълон қилди.

◆ ВЕНГРИЯ. Будапештда чиқадиган газеталарнинг саҳифаларида БКП X съездининг материалларига катта ўрин берилган. Газеталарда съезднинг иши тўғрисида, БКП Марказий Комитетининг ҳисобот доклади тўғрисида ҳикоя қилинади, съездда сўзланган нутклар баён этилади. «Непсабадшаг», «Мадьяр ҳирлап» газеталари ва бошқа газеталар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар нутқлари билан муфассал таништирган. Бу газеталар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари нутқида Совет Иттифоқи ва Болгария, шунингдек Варшава Шартномасига кўра иттифоқдош бошқа социалистик давлатлар халқлар ғ.инчлиги ва озодлиги ишини ленинча ҳимоя қилиш сиёсатини актив ва изчиллик билан ўтказишга бел боғлаганликлари билан бир ёқдан бош чиқарганликлари тўғрисида айтилган сўзларни бўрттириб кўрсатган.

◆ ГДР. «Нойес Дойчланд» газетаси Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқининг муфассал баёнини «Л. И. Брежнев: Ишларимизнинг инсон бахт-саодати йўлидаги тантанаси» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Л. И. Брежнев, деб ёзади газета, съезд делегатлари ва меҳмонларнинг узоқ давом этган қарсаклари остида 14,5 миллионлик совет коммунистларининг, Совет Иттифоқидаги барча гражданларнинг съездга қардошларча табригини топширди.

Янги дунё кишилари

СОДИҚ ҚЎМАКЧИЛАР

«Меҳнатда ва ғалабада» шиори остида Ханойда Вьетнам хотин-қизларига бағишланган фото кўргазма намойиш қилинмоқда. Залга кираверишда, Вьетнам хотин-қизларининг Иттифоқи эмблемаси қўйилган. Унда шоли боғи, тутуни бурқираб турган завод трубаси билан америкаликлар агрессиясининг оғир кунларида урушга кетган эрларининг ўрнини билдирмаслик учун заводфабрикада ва далада ишлаш, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, агар лозим бўлса, уларни қўлларига қурол олиб душман билан курашишга тайёрлаш юзасидан ватан олдида мажбурият олган аёлнинг қўлида қурол ушлаган расми акс эттирилган.

Кўргазмага 200 га яқин расм қўйилган. Ханой хотин-қизларининг шонли революцион ишларини ҳикоя қилувчи фото суратлар томошабинларни 1938 йилга сайр эттиради. Ўша йили юзларча хотин-қизлар биринчи май намойишида қатнашиш учун шаҳар кўчаларига чиқишди. Намойиш тарқатиб юборилган бўлса-да, мустамлака Вьетнамда ҳукм сураётган ҳуқуқсизлик ва зулм уларнинг иродасини бука олмади. Мана, дастлабки активлар, революция ветеранларидан бир группасининг фотосуратлари. Улар орасида довюрак аёл — Динь Тхи Тик бор. Унинг Ханой чеккасидаги уйида подпольечилар йиғилишиб, маҳфий равишда мажлис ўтказишарди. Шунингдек Хинди-Хитой Компартияси Марказий Комитетининг алоқачиси Чан Тхи Шаунинг сурати ҳам сақланиб қолибди. Льенма жамоасидан бўлган бу аёл мустамлакачилар турмасида жуда кўп қийноқларга учраган.

Кўргазманинг катта бир бўлими — Ханойда истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг ВДР пойтахтининг иқтисодий ҳаётидаги иштирокларига бағишланган. Шаҳарнинг ишчи ва хизматчиларининг 56 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизларни механика заводининг дастгоҳлари ёнида, электр лампа заводининг конвейери ёнида, нон заводлари печлари ва янгидан қурилаётган уй-жой бинолари майдончаларида учратиш мумкин.

8 март номига қўйилган тўқимачилик комбинатидан олинган фото. Унда комбинат директори Те Тхи Нянинг йигирув цехининг ишчиси Нго Тхи Ким Зунг билан суҳбатлашаётгани акс эттирилган. Бу илғор ишчи мингларча метр маҳсулот тўқиб чиқарди. У ўзининг меҳнат муваффақиятини Жанубдаги ватандошларининг қаҳрамонона курашига бағишлабди.

Кўпчилик суратлар хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида актив роль ўйнаётганлигини тасвирлаган. 309 хотин-қиз Ханой яқинидаги кооперативларга бошчилик қилишади. Уларни шолизорларда, чорва фермаларида ва сабзавот майдонларида учратасиз. Мамлакат далаларига янги техника келтирилмоқда, хотин-қизлар уларни бошқаришни муваффақиятли равишда ўзлаштиришмоқда. Кўргазмага қўйилган расмларнинг бирида трактор штурвалида ўтирган қиз тасвирланган. Елкасида эса милтиқ. Бу ҳозирги демократик Вьетнамнинг ҳақиқий қиёфаси. Агрессор ҳали ўзининг қора ниятларидан қайтмаган, шунинг учун «Ҳам кураш, ҳам ишлаб чиқариш!» шиори ўз кучида қолмоқда.

Кўргазмада Ханойдаги электр механика заводининг ишчиси Лионг Тхи Кинь билан танишиб қолдик. У дугоналари — кўнгиллилар отрядининг жангчилари билан бу ерга жанговар тайёргарлик машғулотларининг танаффус пайтида келибди. Кинь нормасини мунтазам 120 процент бажариш билан бирга коллективнинг барча ишларида актив иштирок этади. Қизлар бизга кўнгиллиларнинг ҳаётини акс эттирувчи бир неча суратларни кўрсатишди. Мана Киньнинг ўзи Америка тамғали портламай қолган бомбани зарарсизлантирмоқда....

А. ВОЛОДИН,
В. НИКОЛЬСКИЙ,
(АПН махсус мухбирлари).

ГБСП тузилган кунинг 25 йиллигига

МУҚАДДИМА

Столда ҳафсала билан тахланган эски қўлёзмалар, «Коммунистик партия манифести» биринчи нашрининг сарғайиб кетган саҳифалари. Унинг ёнида бир тўда фотосуратлар. Мен мана шу ёдгорликларни кўздан кечирарканман, Макс Вальтер сўзларини диққат билан тингламан.

Иккинчи жаҳон уруши даврида коммунист ва касаба союз активисти Макс Вальтер Лейпцигдаги ХАЗАГ ҳарбий заводларида ташкил этилган Қаршилик кўрсатиш группасига раҳбарлик қиларди. Бу группада совет, поляк, француз ва немис ватанпарварлари бор эди. Улар ўз курашларига халқаро ишчилар бирлигини мустаҳкамлашга қўшилаётган катта ҳисса деб қарадилар. «Ёш француз коммунисти Жан Бордо жасоратини сира унутмайман. — дейди Макс, — у фашист жаллодларининг қўлига тушмаслик учун ўқ-дори цехида ўзини портлатди. Маслакдош ўртоқларимиз кўрсатган жасорат ҳеч качон унутилмайди».

— 1945 йил апрель ойининг бошларида, — давом этди Вальтер,— биз ХАЗАГ заводларида ҳаракат бирлиги комитетини туздик. Бу комитетга 15 коммунист ва 15 социал-демократ кирарди. Германия Коммунистик ва социал демократик партиясининг бирлашиши учун мана шундай аста-секин замин ҳозирлана борди. Бироқ бу жараён бир текис кетмади, албатта. «1945 йилнинг июнида, — эслайди ветеран, — ишлаб чиқариш мажлисида ишчиларни бирликка чақириб нутқ сўзлаганимда, менга ҳуштак чалишди. Шундан кейин қилаётган ишларимдан ҳафсалам пир бўлиб, каттароқ бир ўртоғимдан:

— Нега шундай бўляпти? — деб сўрадим.

— Чунки, деди у, сен жуда кўп нарсани қилмоқчи бўляпсан. Фашизм тор-мор келтирилганига атиги бир неча ҳафта бўлди, холос. Ишчиларнинг онги ҳали у қадар етилмаган. Шунинг учун ҳам «Бирлашинглар!» дейиш билан дарҳол мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳозир биз шаҳар кўчаларини ахлат ва вайроналардан тозалашимиз керак. Худди шунга ўхшаш, аввало немислар онгини ҳам ҳар хил фикрлардан тозалашимиз лозим. Умуман биз коммунистлар жуда кўп ва сабот билан ишлашимиз керак».

Шундан кейин Макс Вальтер янги Германия тупроғида ишчи-деҳқонлар ҳокиминятини мустаҳкамлаш учун курашга актив киришиб кетди. 1946 йилнинг апрелида Германия Бирлашган социалистик партияси тузилишини у ўзининг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларидан бири деб ҳисоблайди.

Германия Бирлашган социалистик партияси тузилмасдан бурун, — деб эслайди Вальтер, — Германия Коммунистик партияси ва Германия социал-демократик партиясининг аъзолари минглаб корхоналарда ҳамкорликда иш олиб бордилар. Кўплаб митингларнинг қатнашчилари икки партияни бирлаштириш тўғрисида ўз фикрларини баён қилдилар. Бу ҳоҳиш-истаклар 1946 йилнинг 21—22 апрелида ГКП ва ГСДПнинг қўшма съездида Вильгельм Пик билан Отто Гротеволь самимий қўл олишган тарихий кунда амалга ошди.

Партия топшириқларини бажараётган Макс Вальтер ҳамиша қайноқ ҳаёт қучоғида бўлди. Ёш ишчи ва деҳқонлар давлатини мустаҳкамлаш учун курашаётган кучлар ГБСП активистлари атрофига тўплана бошлашди. 1950 йилда Вальтерни Лейпциг округининг касаба союз бошқармасига раис қилиб сайлашди...

Мен ветеран билан унинг Совет Иттифоқидан олиб келган ёдгорликларини кўздан кечираман. Кейин дераза ёнига келиб, яқиндагина қурилган серҳашам уйларни томоша қиламан. Эҳтимол ҳозир опера театрида Бетховеннинг «Фидело»сини машқ қилишаётгандир, балки туристлар шаҳар музейида Димитровнинг пленкага ёзиб олинган овозини эшитишаётгандир ёки «Искра» музейида ўқувчиларга В. И. Ленин фаолияти ҳақида гапириб беришаётгандир...

— Мен ГДР миллий халқ армиясининг солдатлари билан тез-тез учрашиб тураман,— дейди М. Вальтер,— уларга оталарининг яхши ҳаёт учун курашганлари ва қурбон бўлганлари ҳақида гапириб бераман. Ахир бу қурбонларни унутиб бўлмайди. Қадрдон шаҳримга қарар эканман, бизнинг бирлик учун йўл топишимизга ёрдам берган таниш ва нотаниш совет дўстларимга меҳрим ошади.

Ганс ДИЕРИНГ,
немис журналисти.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ЛОНДОН. Англия ҳукумати меҳнаткашларнинг турмуш даражасига яна ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Англия молия министри А. Барбер Лондоннинг матбуот клубидаги знёфатда сўзлаган нутқидан шу нарса маълум бўлди. У ишсизлиннинг жуда тез ўсишига гўё ишчиларнинг ўз иш ҳақларини оширишга эришаётганликлари сабаб бўлмоқда, деб даъво қилди.

Маҳаллий экономистларнинг фикрича, консерваторлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашганлиги учун масъулиятни меҳнаткашлар зиммасига юклашга уриниб, иш ҳақини яна оширмаслик учун замин тайёрламоқдалар. Расмий маълумотларга қараганда, Англияда апрель ойида қарийб 815 минг ишсиз рўйхатга олинган.

◆ МЕХИКО. Табаско штатидаги автоном университетнинг ректори Гонсалес Лопес Мексиканда фақат имтиёзли синфларгина олий маълумот олишга муяссар бўлмоқда, деди. У Вильяэр-Моса шаҳрида университетлар ва олий техника ўқув юртлари ректорларининг миллий ассамблеясида сўзга чиқиб, «ишчилар ва деҳқонларнинг фарзандларидан фақат 1 процентги олий маълумот олмоқда, ҳолбуки студентларнинг 80 процентги буржуазия оиласига мансуб кишилардир», — деб таъкидлади.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Калифорния суди Анжела Дэвис ҳимоячисининг судья Линдсейга отвод бериш тўғрисидаги талабини рад қилди. Ҳимоячининг бу талаби судья Линдсей ирқчилик қарашларини қўллаб-қувватлаётганлиги ва шунинг учун ҳам у судни холисона олиб бора олмаслигига асосланган эди.

Анжела Дэвиснинг адвокатларидан бири Маргарет Бернхэм Сан-Рафелда сўзга чиқиб, суднинг бу қарори унга нисбатан бўлган адолатли муносабатни жуда ҳам пучга чиқарди, деди.

22 апрель.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Ёзувчилар — болаларга. Мақсуд ШАЙХЗОДА. 11.00 — МОСКВА КЎРСАТУВЛАРИ. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Кинофильм. 17.10 — АХБОРОТ. 17.20 — Интернационал дўстлик клуби. 18.20 — Адабий театр. 19.00 — «Юбилейний» Марказий спорт залидан конькида фигурали учиш бўйича томошалар олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.00 — МОСКВА. 15.45 — **Биринчи қиз** (бадиий фильм). 16.50 — Эфирда «Молодость» 17.55 — Спорт кўрсатуви. 18.30 — Бадиий фильм. 20.00 — **Футбол: «СПАРТАК»** (Москва) — СКА. 21.45 — Концерт. 22.30 — Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ДУШАНБА. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Аланга» тележурнали. 18.45 — Кинокўрсатув. 19.45 — Замон ва кишилар. 20.00 — МОСКВА. 21.45 — Концерт. 22.45 — Янгиликлар. 23.00 — Абдусалом Дехотининг ижодий портрети. 24.00 — МОСКВА.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Спартак**, (кундуз соат 5 да), 25/IV да **Жизель** (кундузи). **Аида** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 24/IV да **Олтин девор**, 25/IV да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IV да **Севишганлар хиёбони**, 25/IV да **Хотининнинг эри**, 26/IV да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Биринчи бўса**, 25/IV да **Улимларни қолдириб дорга** (кундуз соат 12 да), **Беш кунлик куёв** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ЛУЛИЛАР КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ «БИЗ — ЛУЛИЛАРМИЗ».**

КИНО

Саккизинчи — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Эльвира Мадиган — «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Икки табассум — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Бомон тутқинлари (кундуз соат 12, 2 ярим, кеч 6 ярим ва 9 да), **Севги чиройи** (кундуз соат 5 да): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Шпессартдаги қувноқ даврлар — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Зўраки жосус — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Унинг исми — Баҳор — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Хамроз (2 серия рангли) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

Ажралиш ҳақидаги иш — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра профессорлари: санитария-гигиена факультети ички касалликлар кафедраси ҳузуридаги диетология курси бўйича даволаш факультетининг хирургияси (урология курси бўйича), патологик анатомия, эндокринология, даволаш факультети, госпиталь терапияси кафедраси ҳузуридаги формако-терапия юқумли касалликлар кафедраси ҳузуридаги паразитология (профессорлар, докторлар):

кафедра доцентлари: госпиталь педиатрияси, психиатрия, болаларнинг юқумли касалликлари, патологик физиология, ортопедик стоматология, (2), физика (доцентлар, фан кандидатлар);

Марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг электрон-микроскопик группасига катта илмий ходим;

физика кафедрасига катта ўқитувчи.

Конкурс муддати — 8 майгача.

ҲУЖЖАТЛАР: **Тошкент шаҳар, К Маркс кўчаси, 103-уйга юборилсин.**

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва район халқ маорифи бўлимлари Ўзбекистон ССР маориф министрининг муовини

Рашид РУЗИКУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

26 апрель, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.45 — МОСКВА. 19.05 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Болалар учун кўрсатув. 19.35 — АХБОРОТ. 19.50 — **Совет Армияси жангчилари учун. Ўзбек тилида:** 20.10 — «Фан» программаси. 20.40 — АХБОРОТ. 20.55 — Музика истиқболи этаплари. 21.35 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! 22.00 — Одамда нимь гап? 22.30 — **Қўйин воқеаси** (телеспектаклнинг 1-қисми). 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 19.05 — МОСКВА. 19.20 — Концерт. 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — **Ленин истиқболига** (бадиий фильм). 22.05 — Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ КЎРСАТУВЛАРИ.

27 апрель, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — «Қизил галстук». 19.40 — Юксалиш программаси. 20.00 — Пойтахтимиз меҳмонлари. **Ўзбек тилида:** 22.00 — АХБОРОТ. 22.15 — «БАХТЛАР ВОДИЙСИ». 22.45 — Бадиий фильм. 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 18.10 — Концерт. 19.00 — МОСКВА. 19.20 — Телефильм. 19.50 — Янгиликлар. 20.00 — «Рақс ҳаёти». 21.00 — **Омла бахти** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — Балет кечаси. 20.40 — **Узун кўзидаги сув париси** (бадиий фильмнинг 1-2 серия-лари).

28 апрель, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 18.00 — Телевизион қўғирчоқ театри. 18.30 — АХБОРОТ. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Концерт. 19.40 — АХБОРОТ. 20.05 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — МОСКВА. 18.15 — Ёш футболчи мактаби. 18.40 — Пионер қўшиқлари. 19.15 — Социализм дунёси. 19.45 — Концерт. 20.05 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** Концерт. 20.45 — Юксалиш программаси. 21.05 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 22.05 — **Автомобилдан сақланинг!** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — **Далаларда момақалдироқ** (бадиий фильм). 21.20 — Врач маслаҳати. 21.40 — Фильм-концерт. 22.05 — Цирк томошалари.

29 апрель, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Телефильмлар фестивали. 19.45 — АХБОРОТ. **Ўзбек тилида:** 20.00 — МИРМУҲСИН (адабий портрети). 21.30 — Концерт. 22.00 — АХБОРОТ. 22.15 — Илмий коммунизм мактаби. 22.30 — Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 18.10 — Телефильм. 19.00 — МОСКВА. 19.55 — Янгиликлар. 21.15 — Концерт. 22.30 — **Хоккей:** ЦСКА — «СПАРТАК».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! 19.00 — Сехрли безаклар. 19.30 — Ёш ижрочилар концерти. **Ўзбек тилида:** 20.00 — Ҳужжатли фильм. 21.45 — **Енгил ҳаёт** (бадиий фильм).

30 апрель, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 19.05 — Мультфильм. 19.15 — АХБОРОТ. 19.30 — Цирк томошалари. 20.35 АХБОРОТ. 20.50 — Фильм-концерт. 22.45 — **Дарвозабон** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 — МОСКВА. **Қизлар фитнаси** (бадиий фильм). 19.30 — «Алло, талантлар, силарни кутамиз!». 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — Катталар учун эртак. 22.05 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.20 — **Резидентнинг тақдири** (бадиий фильм).

1 май, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.40 — ТОШКЕНТ. Меҳнаткашларнинг 1 Май намойиши (В. И. Ленин майдонидан репортаж) ва концерт. 12.45 — МОСКВА. Меҳнаткашларнинг 1 Май намойиши (Қизил майдондан репортаж) ва байрам концерти. 16.55 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 17.00 — Болалар учун концерт. 17.40 — Мультфильм. 18.20 — «ОЛАМГА САЁҲАТ». 19.30 — Қизлар давраси. 20.30 — «ВИСОЛ ОНЛАРИ» (музикали дам олиш программаси). 21.45 — «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг концерти. 22.45— МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 — МОСКВА. Бадиий фильм. 17.45 — Янгиликлар. 18.00 — **Цирк** (бадиий фильм). 19.30 — «ГОЛУБОЙ ОГОНЕК». 21.45 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 22.45 — ТОШКЕНТ. **Яшил арава** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

2 май, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. 9.35 — Болалар цирки томошалари. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — «Гулғунчалар». 10.55 — МОСКВА. 11.00 — Янгиликлар. 11.05 — Мультфильм. 12.00 — Телефильм. 12.55 — К. СИМОНОВ шеърлари. 13.20 — «Ҳайвонат оламида». 14.15 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — ЦСКА. 18.45 — АХБОРОТ. 19.00 — МОСКВА. **Футбол:** «ДИНАМО» (Москва) — «СПАРТАК» (Москва). 20.45 — ТОШКЕНТ. Телеминиатюралар. 21.45 — **«Экран хандаси»** (Кинокўрсатув). 23.00 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.15 — МОСКВА. 15.45 — Концерт. 18.30 — Мультфильм. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Комилжон Отаниёзов куйлайди. 19.40 — **Ёр-ёр** (бадиий фильм). 20.45 — МОСКВА. 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — Телеспектакль. 22.35 — Музикали учрашувлар. 23.00 — ВАҚТ. 23.30 — «13 СТУЛ».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 333142 Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—61—42. Қарши — 38—42, Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—672. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

№ А. — 94. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02464.